

**“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти
тафтиш комиссиясининг хулосаси**

“ 2 ” ИЮНЬ 2023 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис
Ишимов Зоир Очилдиевич - аъзо
Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари қуйидаги кўринишда бўлган:

т/р	Кўрсаткичлар номи	2021 й.	2022 й.	-/+ фарқи
1.	Махсулот сотишдан олинган соф тушум	94 048 226	98 990 400	4 942 174
2.	Сотилган махсулотларни ишлаб чиқариш таннархи	52 130 435	53 540 730	1 410 295
3.	Махсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	41 917 791	45 449 670	3 531 879
4.	Дебиторлик қарзлари	79 160 794	57 730 084	-21 430 710
5.	Кредиторлик қарзлари	26 470 989	48 175 345	21 704 356
6.	Давр харажатлари	39 286 745	42 859 625	3 572 880
7.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	3 352 094	1 862 032	-1 490 062
8.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	5 983 140	4 452 077	-1 062 682
9.	Молиявий фаолият бўйича даромадлар	433	373 228	372 795
10.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	522 522	439 697	-82 825
11.	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	5 461 051	4 385 608	-1 075 443
12.	Фойда солиғи	937 946	770 853	-167 093
13.	Ҳисобот давридаги соф фойда	4 523 105	3 614 755	-908 350

2022 йилда 371,0 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 265 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 71,4 фоизга бажарилган, 2021 йилга нисбатан эса 2,7 фоизга ўсган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилганда 2021 йил якуни бўйича дебитор қарзлари 79 160 794 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 57 730 084 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 21 430 710 минг сўмга камайган.

Кредитор қарзлари 2021 йил якунида 26 470 989 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 48 175 345 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 21 704 356 минг сўмга кўпайган.

Жамиятнинг 2022 йилда махсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 45 449 670 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 3 531 879 минг сўмга кўп демакдир. Корхонанинг 2022 йил якуни бўйича фойда солиғи тўлагунга қадар фойдаси 4 385 608 минг сўмни ташкил этган. 770 853 минг сўм миқдорда фойда солиғи тўланган. Натижада жамиятнинг 2022 йил якунига кўра олган соф фойдаси 3 614 755 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2022 йил давомида тузилган шартномаларнинг умумий сони 1577 та бўлиб, улардан 78 таси тўғридан-тўғри тузилган. Қолган 1 405 та шартнома товар ҳом ашё биржалари орқали тузилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 83-моддасига мувофиқ, Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс киймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

2022 йил давомида аффилиланган шахслар билан 78 та шартномалар имзоланган бўлиб, йирик битимлар тузилмаган.

Тафтиш комиссияси раиси:



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари:



З.О. Ишимов

Н.Р. Абдухакимова